

Н. ҚАЮМОВ,
Юқори Чирчиқ.

Р. Шамсуддинов фотоси, А. Ершов тексти,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

С. ГАФУРОВ.

М. ЮСУФХУЖАЕВ.

Д. УРИНБОСАРОВ.

A. ALIER.

мининг студентлари, Куйбишев ра-
ион «Соцгородок»да яшовчи меҳна-
кашлар tennis асфальтланган
йуллардан утар акандар, кишил-
учун бўлаётган тамхурликлари
миннатдор бўлишяпти.

Суратда: слёт қатнашчиладан бир группаси ўзаро суҳбатлашмоқда. Н. Абдуллаев фотоси.

Н. КАЗАКОВ,
Н. ХАЙРУЛЛАЕВ.



МОСКВАГА МАКТУБ

Чодирлар шаҳарчасига оқшом чўди. Кунин бунин ҳавонин тандирдек қизитган кўнун уфқига ёнбошладди. Ҳозиргина сув сениб ўтилган асфальт йўлка ҳам бироз совуди. Ёнги шабада дархат барглари, чодирлар бағрини силлаб ўтабди. Александр кўйлагини стул суялигига ташлаб йўлга қараётган аста ёнбошладди. Кўйига «Тинч Дон»ни олиб, келган жойини олган ҳам эдики, чодир ёнида Иван пайдо бўлди.

— Чарчабсан-да. Бир мақом қилишга мадоринг келадими? — кулди Иван кўйлагига кўк конвертни кўрсатиб.

— Хатин? Тезроқ бер. Александр ўрнидан диқ этиб туриб, Иван кўйлагига хатини шоша-пиша олди. Эҳтиёткорлик билан конвертни очди. Яна қараётганга кўйлагига хатини ўқига тугиди. Кутгандек: хатини Нина ёзибди. Унинг иккинчи мактуби бу. Александр бошқа киндан ҳам хат кутарди. Дўстлари, ёр-биродарларининг ҳаммаси ҳозир ўз ёнида. Ота-онаси аса йўқ. Уруш йиллари ҳалок бўлишган. Ёш Александр ўшанда болалар ўйидан бошпана топди. Кейинроқ ҳар мактабда ўқиб, бинокорлик касбининг бошини тутди.

Ўн беш йилдан ошиб қолди ҳозир ўша кўпларга. Ўн беш йилда у қаерларда бўлмади, нималарни кўрмади дейсиз. Москвада уй-жой кўрди, Уралда саноат объект-

лари бунёд этди, Сибирга томон темир йўл наларини чўзди. Фақат ўрта Осиёни кўролмади, деб афсусланиб юрган эди, мана энди янги Тошкент яратилди қатнашланти.

Александр сатрларга кўз югуртирди. Хатинининг ҳар бир сўзи қалбига ёлқин ҳуш ёқди. Гўё Нина Тошкентга келган-у, у билан сўлим боғда холи гапашиб ўтиргандек ҳис этарди ўзини. Хат ярим дийдор деганларича бор экан. Кўп нарсалардан хабардор бўлиб, Сергей иккинчи сифга ўтиб олибди. Юра ҳам энди йўлламай боғчага ўзи бораётганимиз. Кўнгли анча тинчиди. Ҳаммалари соғ-саломат экан.

«Телеграмманинг олганимга бир ойдан ошди. Кетидан хат ҳам келиб қолар деб кутдим йўқ, келмади. Сен бепарво эмасдинг-ку. Хавотир олялман. Болаларинг ҳар кунини дадамдан хат келдики, деб сурашди...»

Александр ўрнидан туриб чомдан қороз қалам олди. Тўғри, йиллари ҳалок бўлишган. Ёш Александр ўшанда болалар ўйидан бошпана топди. Кейинроқ ҳар мактабда ўқиб, бинокорлик касбининг бошини тутди.

Ўн беш йилдан ошиб қолди ҳозир ўша кўпларга. Ўн беш йилда у қаерларда бўлмади, нималарни кўрмади дейсиз. Москвада уй-жой кўрди, Уралда саноат объект-

дек ҳис этилган. Одамлари меҳрибон, саҳий. Биринчи кунин бизин қандай кўтиб олишганини кўрсанг эди. Ўша ташвишли кунларда ҳам тошкентликларнинг чехраларида табассум, лабларидан кулги аримасди. Шундай довораклар билан тоғни талқон қилиб юбориш мумкин, Бекитмайман, ҳозир менда ҳам дўстларимда ҳам тиниш йўқ. Тошкент Черемушкис бағрини зўр бериб кенгайтирилмиш. Иш уч сменада ташкил этилган. Туналарини прожектор ёруғида меҳнат қилилмиш».

Александр бир зум тўхтади. Иш тўғрисида ёзиб хатинининг зериктириб қўймайямми, ўйлади. Йўқ, нега зеринар экан, аксинча хурсанд бўлади. Тезроқ ишларинг, тезроқ уйга қайтишлар, дейди.

Александр яна ёзишга тутинди. «Главмосстрой»нинг тўртта бошқармасидан 1200 киши келган. Яқин икки йил ичимда 230 минг квадрат метр турар жой биносини бунёд этиш топирилган зимманимиз. Шундан 50 минг квадрат метрини янги йўлларга фойдаланишга топирилмишга сўз бердик. Бу беш қаватли 22 та бино деган гап. Биласанми, ҳар бирида нечтадан квартира бўлади? 80 тадан! Ҳаммамиз ҳозир ўз сўзимизнинг устидан чиқишга ҳаракат қилилмиш. Бешта минораси, 5 та экскаватор, 11 та бульдозер кучи билан қисқа вақт ичиди 6 та бинога пойдевор қўйди. Биномисан-бино бўлишти ўзимиз. Илгаригидек фақат бетондан қад кўтарилган пойдеворлар. Бетоннинг орасига арматура турини ҳам ётқизилмиш. Уй бит-гўш ўн баллик зилзилага ҳам парво қилмайди.

Москва кварталли ҳозирроқ кўзга кўриниб қолган. Қаватли ўртасидан ўтадиган катта йўлни пойтахт номи билан атадик. Кўча бўйлаб водопровод ва кабель ўтказдик. Канализация тармоқларини ётқизиш ишлари ҳам тўлатўкс қўлдан чиққан. Ҳар суткада 430 кубометр бетон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қоршма полигони бугун-эрта ишга тушади. Барча қурилиш материаллари Москвадан пешма-пеш келиб турибди. «100» маркали гипсларимизни шигиллатиб тейрапимиз. Ҳа демай иморатларининг қадди ҳам ростланиб, ўзини кўрсатиб қолади.

Кеча бригадир билан ётоқчага гапашиб келдим. Яна Москвадан студентлар, бинокорларнинг янги отрядлари етиб келишган эмиш. Хурсанд бўлиб кетдим. Сафимиз яна тўлибди, кучимиз яна ошди. Биргалашиб иш сўрватига сўрват қўшамиз. Ўзимиз ҳам бўш келмаётган эдик. Интиларимизнинг кўпчилиги ҳозир тошкентликларга тапилиб қолган. Улар меҳнатда доғ тартитилган.

Бригадамизда 82 киши бор. Бетончи ҳам, монтажчи ҳам, радгор ҳам, гишт терувчи ва қранчи ҳам топилади ичимизда. Комплекс юмушларини бажаришга яхтисолашганмиш. Иван Лаврухин ҳаммамизга бош. Қўйни кўрган йигит ўзи. У билан мен Съездлар саройи, «Россия» меҳмонхонасини қуришда бирга ишлаганмиш. Эпчил, уйдабурон. Бу ерда ҳам ишни зўр ташкил этилган. Бир дақиқа вақтин бекорга исроф қилмайди. Монтажчилар Иван Праухин, Александр Попов-бетончи Николай Козюков, гишт терувчи Михаил Лобачевларини айтмайсанми. Иссиқни ҳам

писанд қилишмайди, чап-чўптин ҳам. «Гишт бер, қоршима бер, плита бер» деб қранчиларни шошириб қўйилган.

Кейинроқ сени Тошкентга бир олиб келаман. Қўрган кўркам бинокорларининг кўз-қўз қилмади. Ўзбекларнинг меҳмони бўламиз. Биласанми, бу халқ қандай меҳмондўст! Жонидан булак ҳамма нарсани топиб олдинга қўяди. Яқинда Санъат саройида қардош бинокорларнинг дўстлик кечасини ўтказдик. Ҳаммага ўзбек дўпписидан кийгизишди. Менга дўппи шундай ярашдики, асти қўйвер. Худди ўзбекнинг ўзи бўлдим-қўйдим. Қалблар туташ бўлгандан кейин ўзбекнинг кийими русча, руснинг кийими ўзбекча ярашаверар экан...

Александр хатини конвертга солиди. Устига адресини ёзди: «Тошкент шаҳри, «Главмосстрой»нинг «Ташкентстрой» бошқармаси машинисти А. Дроновдан».

Александр кўпни чодирга қўйди. Бу ерда дўстлари Валя Васильеванинг туғилган кунини ўтказишга эди. Дўстлар алламаҳалгача ўйин-кулги қилиб ўтиришди. Сўнг яна ўз жойларига тарқалишди. Эрталаб ишга! Янги кун янги зафарлар келтиради албатта. Ўзгал Тошкент сари яна бир кўтлуг одим ташланади.

3. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ж. СОБИРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.



Суратларда: 1. «Главмосстрой» экскаватор машинистлари М. Петров ва Э. Глебов бугунги иш якунларидан мамун. 2. Арматурачилар Н. Громов билан В. Хорев навабдаги бино пойдеворини бетон қуйишга тайёрламоқдалар. А. Абалин фотолари.

ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН

Қўйиқ қўм-шағал карьерни қолдетишда зилзиладан сўнг янги Тошкентни бунёд этишдек мўтабар ишга кўпроқ ҳисса қўиш иштиёқи туғилди. Барча имкониятларини қайта кўриб чиқиб йил охиригача пландагидан ташқари 62 минг кубометр қўм ва 154 минг кубометр шағал ишлаб чиқаришга сўз беришди. Барча участкаларда ишлар қизиқ кетди. Ваъданинг устидан чиқиш учун

бўтун имконият ишга солинди. Шу кўнларда карьер Тошкент уйсозлик комбинати ҳамда пойтахтнинг барча темир-бетон буюмлари ва конструкциялари заводларини, қурилиш ташкилотларини қўм-шағал билан таъминламоқда. Бинокорларнинг ишлари тўхтаб қолмасин деб барча резервлар ишга солинмоқда.

Завод коллективни фақат шу билангина чегараланиб қолмади.

Корхона қувватини ошириш ҳақида ҳам ўйлаб бошланди. Ахир кўнлар-кўнга шаҳарда қурилиш объектларини қўлайиб, қўламини кенгайтириш зарур. Янги-янги қурилишларга пойдевор қўйилмоқда. Бунинг учун қўм-шағал зарур бўлади, албатта. Шу томонларни ҳисобга олган ахир коллектив карьернинг Сергелидаги цехини кенгайтиришга ва мавжуд қувватини бир неча баробар оширишга қарор қилди.

Маълумки Сергелидаги цехда қўм-шағал сараланарди-ю аммо катта тошларни майдаловчи агрегат йўқ эди. Шунинг учун цехга келтирилган хом ашёнинг 65 проценти, яъни катта тошлар қайта машиналарга ортилиб, Чирчиққа олиб кетиларди. Қанча одам, техника банд эди бунга. Ҳозир ундай эмас. Тош майдаловчи агрегат тўла монтаж қилиб бўлинди. Янги мукамил техниканинг ишга солиниши билан корхона йилга 812 минг сўм фойда олади. Ёнғ қувватини цехнинг суткалик ишлаб чиқариш қувватининг ошганини бўлади. Ҳозир ҳар кун 299 кубометр шағал қўм тайёрламоқда.

Қўйиқ қўм-шағал карьерини иш бораган сари баранали бўлмоқда. Хайрли касб эгалари кўнга топиридан ташқари бир неча юз кубометрдан қўм-шағал маҳсулотларини ишлаб чиқариб қурилишларга жўнатмоқдалар. Бу билан янги Тошкентни бунёд этишда ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Карьернинг Солиқ Файзиев, Иван Ломанов, Кашшоф Гайзутдинов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари кўнлик топириқларини бир ярим баробарга етказиб бажариб, катта зафар қўймоқдалар.

Б. ПУЛАНОВ.

МАМЛАКАТ—ТОШКЕНТГА

МАДАД

ЗИЛЗИЛА оқибатларини тугатишда Тошкентга ёрдам бераётган бинокорлар лиги мадад олдилар. Москва, Томск, Қозон, Ташкент, Моздавини студентларининг катта гуруҳиаси уларнинг сафига қўшилди. 28 июнь кунини Харьков ва Одесса студентлари етиб келишди. Улар мамлакатнинг бошқа қардош республикаларидан келган тегишчилари билан бирга студентларнинг Бутуниттифок «Дружба» бинокорлик отряди составига кириди. Бу отряд Ўзбекистон пойтахтида ўн икки минг квадрат метр уй-жой, иккита болалар йўналиши кўриб бериши, бир неча километр трамвай йўли ётқизиши керак. Ўч юз студент самосвал машиналарини қайдайдилар.

ЕРДАМ ФОНДИГА

ДНЕПРОПЕТРОВСКДАГИ Ленин номи завод металлургалари мард шаҳарнинг буюртмасини муддатидан бир ҳафта аввал бажардилар. Улар ишдан чиққан газ шохобчаларини қайта тиклаш учун 250 тонна пўлат қувур жўнатдилар. Шу ердаги девороб материаллар заводининг коллективни гишт етказиб бериш ойлиқ планини графикдан олдин олди.

Горький темир йўли Киров бўлими мутахассисларининг катта гуруҳиаси зилзиладан зарар кўрган шаҳарга ёрдам бериш учун жўнаб кетди. Дурадгорлар, гишт терувчилар ва бошқа касобдаги бинокор ишчилар ҳам Тошкентга йўл олишди. Об-

ласть тошкентга қўпгина йўлга уйлар ва бинокорлик материаллари юборди.

Бригаданинг асосиетмен буюмлар комбинати Тошкент учун керакли водопровод қувурларини муддатидан олдин тайёрлаб берди. Комбинатга Ўзбекистон учун бир неча миллион тахта шифер ишлаб чиқариш топирилди. Коллектив бу буюртмани муддатидан олдин бажаришга сўз берди.

Чита областининг корхоналари кун сайин Тошкентга бир эшелондан ёғоч юбориб туришмоқда. Бу корхоналар шу вақтгача мардлик шаҳрига 15 минг кубметрдан ортқ юкорси сифатли ёғоч юбордилар.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

В. И. ЛЕНИН номи Ўзбекистон металлургия заводининг коллективни Ўзбекистон пойтахти қурилишлари учун металл тайёрлаб бериш ҳақидаги заказни муддатидан 6 кун илгари бажарди. Прокат цехи июнь ойида неча юз тонна сорти пўлат ва туңука тайёрлаб бериш керак эди. Коммунистик меҳнат цехи шу маҳсулотни планга қўишча равишда ишлаб чиқарди.

Мастерлардан ака-ука Саид ва Шамси Нуриддиновлар раҳбарлик қилаётган бригадалар «300» станда юксак кўрсаткичларга эришди. Улар Тошкент заказига 50 тонна прокат бериш билан ўз ҳиссаларини қўишди.

Ўзбекистон металлургия йил охиригача Тошкент учун пландан ташқари 7700 тонна прокат, шу жумладан 700 тонна туңука бериш мажбуриятини олишди.

Суратда: Москва участкасида янги техника иш устида.

КИТОБЛАРОЛАМИДА

РОССИЯНИНГ ДИПЛОМАТИК ТАРИХИ

СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ҳузуридаги дипломатия хужжатларининг нашр этиш бўйича Комиссия ва Сийёсий адабиётлар наприёти «ХИ» аср ва XX аср бошларида Россиянинг ташқи сиёсати» номи билан босилаётган китобнинг тўртинчи томини босмадан чиқардилар. Бу том Россиянинг 1807 йил июлдан 1809 йил мартга қадар бўлган даврда Европа, Осиё ва Америка давлатлари билан бўлган сиёсий, иқтисодий ва қисман ҳарбий муносабатлари проблемаларини еритувчи 250 хужжатни ўз ичига олади. Ана шу давр Тилианг сулҳининг тузиллишидан тортиб Россиянинг Швеция билан тинч музокара-ларга тайёрланишининг бошланиши ва Россия ҳукумати-нинг Наполеон армиясининг Аустрияга янги ҳужумининг олдини олиш ёни тўғрисида ту-ришга муваффақиятсиз уриш-ганлиги воқеаларини ҳисоб қи-лади. Айрим истисноларни ҳи-собега олмаганда китобдаги бар-ча хужжатлар биринчи марта босиб чиқарилмоқда. Илгари маълум бўлмаган қўпгина хуж-жатлар Тилианг сулҳи тузил-ганда сўнг Россиянинг Напо-леон Франция билан муноса-батлари мураккаб характерли тушунтириш олинган, шунингдек улар ўртасидаги иттифок ва ке-лишмовчиликларнинг зўрайиб бориши тарихини ўрганишга ёр-дам берди. Хужжатлар Шве-ция, Туркия ва Эрон билан да-вом этиб турган уруш вақтида Россия ҳукумати ва дипломатик ақшчалари тўғрисида жуда

тўла тасаввур беради; шу билан бирга улар Болқон ярим оролидаги славян халқларининг янгилик озолиқ учун олиб бор-ган курашларини Россия қўла-лаб қувватлаганидан далолат беради. Шунингдек китобдаги хужжатлар Россиянинг Пруссия ва бошқа герман давлат-ларини Наполеоннинг узулқиз-хужумларидан ҳимоя қилиб чиққандлигини кўрсатади. Янги хужжатларнинг бир қанчаси Россия билан АКШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўр-натилш борисида қўйилган даст-лабик қадимларга тааллуқли-дир. Россия ҳукумати ва савдо му-носабатларини кенгайтиришга интиланлигини ифода этувчи хужжатлар ҳам диққатга сазо-вордир.

Маълум том кенг изоҳлар ва мукамил кўрсаткичлар билан таъминланган. Бундан ташқари китобда илгари босиб чиқарил-ган дипломатик хужжатларга алоқадор бўлган қўпгина анно-ташлар ҳам бор.

Илгари босилиб чиққан томи-лардан каби бунда ҳам хуж-жатлар оригинал тилда (аска-риятини француз тилида) русча таржимаси билан нашр этилган. Бу хужжатлар Россия дипло-матияси тарихининг янги саҳи-фалари билан ва ўша давр халқ-аро муносабатларининг бутун системаси билан таништишга иштиёқманд бўлган кенг ўқи-вчилар ўртасида катта қизиқиш тугдиради.

Китобнинг IV томини обуна

нашрларини тарқатиш билан шўғулланувчи магазинлардан сотиб олиш мумкин. Магазин-

СОВЕТ ДИПЛОМАТИЯСИ ХУЖЖАТЛАРИ

«СССР ташқи сиёсати хуж-жатлари» (1928 йил январь-де-кабрь)нинг II-томи босмадан чиқди. Бу китобни СССР Таш-қи ишлар вазирлигининг ҳузури-даги дипломатия хужжатлари-ни нашр этувчи Комиссия тай-ёрлаган.

Маълум томга шартномалар, битимлар, конвенциялар, нота-лар, Ташқи ишлар халқ комис-сарин, унинг ўринбасарлари ва СССР мухтор вакилларининг чет эл мамлакатлари элчилари ва ташқи сиёсат раҳбарлари бил-ла бўлган суҳбатлари вақтида ёзиб олинган текстлар, СССР Ташқи ишлар комиссарлигининг чет эллардаги совет муас-сасалари билан ёзишмалари, СССРнинг чет эл давлатлари билан иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларига оид хуж-жатлар ҳамда Совет Иттифоди-нинг ташқи сиёсати ва савдоси муҳим масалаларига бағиш-ланган бошқа материаллар ки-ришган.

Бу хужжатларда Совет ҳу-кумати ва урушларнинг ол-дини олиш, тинчликни му-стаҳкамлаш учун курашн ифо-ла-ланган. Жумладан кулосе-ла-ниш бўйича Конференцияни Тайёрлаш комиссиясининг V сессияси иши кўрсатилган, СССР нинг Бриан-Келлог пактига қўишилиш тўғрисидаги музокараларнинг бориши ва бу пактининг муддатидан илгари

дан топилмагани таъдирда за-каз қилинса «Союзники» ор-қали юборилиши мумкин.

«СССР ташқи сиёсати хуж-жатлари» (1928 йил январь-де-кабрь)нинг II-томи босмадан чиқди. Бу китобни СССР Таш-қи ишлар вазирлигининг ҳузури-даги дипломатия хужжатлари-ни нашр этувчи Комиссия тай-ёрлаган.

Маълум томга шартномалар, битимлар, конвенциялар, нота-лар, Ташқи ишлар халқ комис-сарин, унинг ўринбасарлари ва СССР мухтор вакилларининг чет эл мамлакатлари элчилари ва ташқи сиёсат раҳбарлари бил-ла бўлган суҳбатлари вақтида ёзиб олинган текстлар, СССР Ташқи ишлар комиссарлигининг чет эллардаги совет муас-сасалари билан ёзишмалари, СССРнинг чет эл давлатлари билан иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларига оид хуж-жатлар ҳамда Совет Иттифоди-нинг ташқи сиёсати ва савдоси муҳим масалаларига бағиш-ланган бошқа материаллар ки-ришган.

Уш вақтда Габр давлатла-ри Советлар мамлакатига қар-ши ягона фронт уюшудга ке-лтириш юзасидан қилган ури-нишларини назарда тутганда бу томга киришган хужжатлар яна ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Аммо Совет давлатининг халқаро сиёсат проблемалари-ни ҳал этишда қатъиятлик, бир мақсадга йўналтирилган ва айли замонда оқилона, ўткир сиёсат юргизиш тўғрисида мам-лакатимиз душманларининг бу уринишларини барбод бўлади.

Уш вақтда II-томдан Совет Иттифодининг ўз миллий му-стақиллигига эришган ва унга эришини учун курашаётган мам-лакатларини ҳар томонлама қўла-лаб қувватлашнинг давом этти-рилганлиги тўғрисидаги материал-ларини ҳам топадилар.

Хужжатларнинг асосий қўи-чилиги биринчи марта нашр этилган бўлиб, мукамил илоҳлар билан таъминланган.

Бу китобнинг босилиб чиқиши натижадада СССР ташқи си-ёсати билан қизиқувчи кенг ки-тобхонлар оммаси қўпгина со-вет дипломатиясини фаолияти билан, шунингдек 1928 йил-даги совет дипломатияси ва халқаро муносабатлар тарихи-га доир илгари маълум бўлма-ган воқеалар ва фактлар билан танишиш имконига эга бўди-лар.

Китобни Сийёсий адабиётлар наприёти босиб чиқарган.

«КОРХОНАНИНГ ФОИДАСИ ВА ИШ ҲАҚИ»

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми (1965 йил) қарорларида белгиланган иқтисодий ислохот-ларнинг моҳияти ва аҳамиятини китобхонларга атоқлиқча тушун-тириш бериш мақсадида бир неча брошюралар босмадан чиқарди. Р. Ахмедовнинг «Корхонанинг фойдаси ва иш ҳақи» номи бро-шюраси ҳам ана шу масалага ба-ғишланган.

Брошюранинг дастлабки боби-да социализм шароитида корхона-лар томонидан олинган фойда-нинг капиталистик фойдадан ту-бунчаллиқлар билан фарқлари кўрсати-лади. «Бизнинг санаятимиз...» деб ёзди автор. — фойда олиш учун-гина эмас, балки мамият ишлаб чиқариш ҳукаларини янгида ин-волвантлаштириш учун, мамият аҳи-ёқларини қондириш, меҳнатқаш-лар моддий фаровонлигини оши-риш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқармоқда».

Муассасалар ва айрим ки-тобхонлар юқорида тилга олин-ган наشريнинг қўишмача 10—12 томларига обуна бўлишни уза-тиришлари ёни обунани қайта-дан расмийлаштиришлари мум-кин. Бу томлар иккинчи жаҳон уруши арафасидага бўлган хужжатларни ўз ичига олади.

Илгари босиб чиқарилган томларнинг обуна наشريларни тарқатиш билан шўғулланувчи магазинлардан сотиб олас ҳам бўлади. Жойларда бўлмаган тақ-дирда, томлар заказга мувофиқ «Союзники» орқали юборили-ши мумкин.

«Корхонанинг фойдаси ва иш ҳақи»

Корхоналарнинг рентабеллиги-ни ва коллективнинг ўз меҳнат-фаолиятидан манфаатдорлигини оширишда моддий рағбатлан-тиш масалаларига ҳам китобда батафсил тўхтаган. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми корхоналарда моддий рағбатлантириш фондлари ташкил қилиш ва улардан фойда-ланишдаги қатор қамчиликларни очиб ташлади. Корхона оладиган фойдани тақсимлашдаги янги усулни ва бу асосда рағбатланти-рини фондларнинг корхоналар рентабеллигини ошириш ва кол-лективнинг моддий манфаатдорли-гини қучайтиришга қаратилган ян-ги формалар жорий қилиниши-нинг моҳияти ҳам брошюрада кўр-сатиб ўтилган.

Шу билан бирга унда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пле-нуми қарорлари асосида тавсил қилинган моддий рағбатлантириш

фондларини ташкил қилиш манба-лари ва шартлари, улар ҳисобига инжениер-техник ходимлар, ишчи ва хизматчиларни муқофотлаш тартиблари билан таништирилади.

Китоб айрим қамчиликлардан ҳоли эмас. Биринчидан, китоб-нинг номи унинг мазмунига тўла мос келмайди. Унда иш ҳақи, унинг хиллари, табақаланиши ҳа-қида ҳеч нарсга айтилмайди. Кў-проқ моддий рағбатлантириш маса-лалари ҳақида сўз боради. Шу-нинг учун ҳам брошюрани «Фойда ва рағбатлантириш» деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Китобчада корхона оладиган фойданинг янги шартларда тақ-симланиши формалари тўла ери-тилмаган, ишлаб чиқариш фон-длари учун олинадиган ҳақ ва унинг иқтисодий аҳамияти тўла очиб берилмаган. Шунингдек, фойда ҳисобидан ишлаб чиқариш-ни рағбатлантириш фонди ва бош-қа хил фондлар корхона рента-беллигини ҳисоблашнинг янги ме-тоди ва унинг аҳамияти етарича кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, китобчага қудай бўлсин учун корхонада фойдани тақсимлашга доир диа-грамма берилиши бизнингча мақ-садга мувофиқ бўлур эди. Янги муқофотлаш системаси факт ва мисоллар асосида тушунтирил-са, китобнинг қиммати яна ҳам ош-ган бўлур эди.

Лекин бу қамчиликларга қара-масдан, китобча саноат экономи-касининг қатор масалаларини ўр-натувчилар учун фойдалан қўла-лаш хизматини ўтайди.

Х. СОБИРОВ,
Тошкент халқ ҳўжалиги ин-сти-туту молия кафедрасининг му-дир.

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОЛТИНЧИ ДИССЕРТАЦИЯ

Яқинда истеъдодли ёш йигит Абдугуфур Расулев диссертация ёқлади. Унинг «Хозирги замон ўзбек повестида ёшлар характери» деган илмий иши мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Абдугуфурнинг матбуотда эълон қилинган бир қатор қизиқарли фикр ва мушоҳидаларга бой асарлари адабий жамоатчиликка таниш. Шунинг учун ҳам Тошкент давлат университети филология факультетининг илмий совети Абдугуфур Расулевни филология фанлари кандидати деб ақдрилиш билан қарор қилди.

Абдугуфур Расулев Тошкент университети филология факультетини 1959 йилда битирган. Абдугуфур бизнинг курсдошимиз. Курсдошларимиз орасидан у олтинчи бўлиб диссертация ёқлади. Абдугуфурдан олдин Махмуджон Нурматов билан Тиллаб Махмудов фалсафа фанлари кандидати, Хайдерели Узоқов,

Тамиза Ғофуржоновна, Анқабой Қулжоновна филология фанлари кандидатлари бўлган эдилар.

Курсдошларимиздан яна Хужанов Бобониев, Назира Каримова (Ғанихужаева), Халима Мухторова-лар яқин орада филология фанлари бўйича илмий даражани олиш учун диссертация ёқлайдилар.

Абдугуфур Расулев ва унинг курсдош дўстлари сўнгги олти йил ичида ана шундай шарафли йўлни босиб ўтдилар.

Ҳ. ҲАМИДОВ,
аспирант.

КЕКСА АЁЛНИНГ ҚУВОНЧИ

70 ёшли У Сун Хи оғир дардга мубтало бўлиб, икки оёғи ишлай қолди. Тиззалари буктилган, бир қадам ҳам боса олмади. Ни-ма қилиш керак? Тақрибани шифокорларга кўрсатмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

У Сун Хининг узок Қорақалпоғистондан пойтахтга келишдан бошқа иложи қолмади. Уни касалхонага замбилда олиб келишди. Ортопедия-травмотология шахар диспансери шифокорлари беморни самимий кутиб олишди, тезроқ

дардига даво топиш бўлганини ахтараришди. Доцент Валентина Александровна Сорокина ва медицина фанлари кандидати Ефодина Васильевна Лузина бемор атрофида парвона бўлишди.

— У Сун Хи диспансерида келганида икки тиззасининг бўғини ишлай қолган, ҳаракатсиз эди. Оёқ шунчалик мажолсиз эдики, гавдани кўтариб туролмасди. Ошкор айтиш керакики, аввалги анча тақрибани шифокорларимиз ҳам қийналиб қолди. Бемор на-

салини ўтказиб юборган. Бунинг устига кекса, куч-қувватдан ҳам қолган.

— Орадан кунлар ўтди. Қамалга ўхшаб буктилган оёқлар аста-секин ҳаракатга кела бошлади. Кейин эса, провать, деворни ушлаб ёш болалардан тета-пой қилди.

Кўп ўтмай У Сун Хи буткул соғайди. У касалхонага замбилда келган эди, энди эса ўзи юриб чиқиб кетяпти. Кетяпти-ку, меҳрибон шифокорларга қандай миннатдорчилик билдириш учун ширин сўз топишга оқибат қилинган. Фақат «рахмат», «умрингиздан барака топинг» дейди, холос. А. КИМ.

Янги шеърлар

УНА, САРВИНОЗ

Эртага туш, сайрасин дўтор,
Оқуш каби эт энгил парвоз.
Уйнамаган қолмасин тақдор,
Уйна дўстим, уйна сарвиноз.
Тоғга қадаб сўнмасин туйғу,
Туш пардасин йиритсин нуг-шўъла.
Ҳеч тинмасин уйин-у, нугу,
Ҳеч тинмасин қайноқ, ашула.
Мен уйинин билмаслигин рост,
Қўшиқча ҳам эмасман бурро.
Койимани эй надрдон дўст,
Бир шеър ўқиб берурман аммо...

ТОҒ БАҒРИДА

Тоғ ёнбағри, жарлик узра жим,
Қуёшга қўл узатган чинор.
Юз йилларин кўргандай балким,
Чўққи қадрар улкан бўйи бор.
На қиш тиги, на куз бўрони
Қоматини буқаломаган.
Шунчалар ҳам қаттиқчи жони,
Олов ёз ҳам кўркув солмаган.
Янроқлари чапан чалганда,
Одамларга ўхшаб кетади.
Шу чинорин ҳар чоқ кўрганда
Куз ўнгимдан бобом ўтади.

ЕН ҚУШНИМ

Ен қўшним бор, жуда содда,
Кийиниши оддий, сипо.
Сухбатларда кам гап жула,
Кўп нарсани кўрган аммо.
Зўр жангларда бўлгани рост,
Орденлари қатор-қатор.
Қўни-қўшини кўйган илҳос,
Бундан улкан қандай бахт бор.
Соддалик кўп эман гўзал,
Соддалик бу тоза туйғу.
Ҳамма одам шу қўшнимга —
Ухшаса деб қилдим орау.

МАЖЛИС

Эртага ҳам бўлади мажлис,
Муҳомама бўлар Вали мард.
Ва сўнгида уқиди раис:
Ҳаммагизнинг қатнашингиз шарт!
Сенгетарь қиз тугилиб бирдам —
Ўқиб берди янги қарорин.
Дер орқада ўтирган одам:
Мажлисдан сўнг концерт ҳам борми?

ТУЛҚИН.

ГИЛАМЧИ ҚИЗ ҚУШИҒИ

Гилам тўқувчи қизман,
Касбимга меҳрим ортар.
Нақш гулдай товланиб,
Мени ўзига тортар.
Ҳар кун гилам тўқийман,
Қўзим ҳар бир нақшда,
Ранг танилман завқланиб
Тулларини тўқийман.
Тенгдошларим кўрганда
— Балли! — дейди, — қўл гул,
Юрагимни ром этган
«Мари гули», «Каспа кўл».
Бу гилам навлари
Уй безағи, бежирим,
Уни ким ерга ёза
Дейди «чаманзор ерми»,
Бу — меҳнатим — тўққамдир,
Ватанимга — онамга,
Шу тўғайли касбимнинг
Донғи кетган оламга.

Саломат БЕҲЖОНОВА.



Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхозида маданий-оқратув ишларида катта аҳамият берилмоқда. Яқинда колхоз маблагини ҳисобига катта кутубхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Суратда: янги кутубхона биносининг қурилиши.

Қ. РОЗИКОВ ФОТОСИ. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Мамлакатлар ПАДАМЛАР Вокзаллар

АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

Вьетнамдан яна бир ҳаёжозли хабар келди. Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханойнинг атрофидаги жойларни, шунингдек республиканинг катта шаҳри Ханойни бомбардирмон қилди. Бу милслез йиртқилик америка агрессорларининг суверен мамлакатга ва унинг ҳақрамон халқига қарши қилган янги оғир жиноятидир.

Америка самолётларидан ҳозир бомбардирмончи раёонлар Оқ уйнинг оператив хонасидаги ва Пенгтондаги махфий хатларда яна олдин белгилаб қўйилган эди. Америка авиациясининг Ханой ва Ханой шаҳарларининг атрофида қилган ҳужумлари Вьетнамдаги агрессияни кенгайтиришда Вашингтон яна бир босқичга эҳтимомки, бир йўла бир неча босқичга кўтарилганлигини кўрсатиб турибди. Халқларнинг кескин норозилик билдираётганлигига қарамай, Қўшма Штатларнинг ўзида бу урушнинг кенгайтирилишига қаршилик кучайиб бораётганлигига қарамай, агрессорлар маиш шундай жуда хатари қадам қўйишдан қайтмадилар.

Ханой ва Ханой шаҳарларининг атрофини бомбардирмон қилиш тўғрисидаги буйруқ яқинда Ханой тинчлик кенгаши сессиясининг АҚШнинг Вьетнамдаги ҳаракатларига берган баҳоси тўғрисидаги иккунчи сессияда қўйилган. Сессия қатнашчилари юз миллионлаб кишилар номидан таъриб, америка босқинчиларининг Вьетнамда олиб борилаётган урушдаги шафқатсизлиги «гитлерчиларнинг шафқатсизлигидан асло қолишмайди», деган эдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилати бош секретари У Таннинг айт-

ган гаплари ҳам аслини олганда шу фикрга яқин бўлиб чиқди. У Тан Вьетнамдаги урушнинг «тарихдаги энг ваҳишона урушларнинг бири» деб айтди.

Вьетнам Демократик Республикасини бомбардирмон қилиш кенгайтириладиганлиги Вьетнамдаги ҳужуми кетган натижа сазис уруш америка агрессорларининг умидини пуч қилиб қўйибди. Бу уруш Америка агрессорларининг бу авантюра «маҳалли», «алоҳида» характерга эга бўлади, деган ҳамма режаларини чиқармакчи чинарди. Америка интервенциячилари Вьетнамнинг жанубида Ҳалар хўжайин бўлиб турган жуда оз районларда ҳам аҳолини стабиллаштиришга ҳодир бўлмайд қолдилар.

Жанубий Вьетнамнинг кўн-гирчоқ армияси аслини олганда яроқсиз бўлиб қолди.

Қўшма Штатлар Вьетнамдаги урушнинг янада кенгайтираётганлигига ҳамма халқларга агрессияга қарши курашиш бари-ча кишиларнинг муштарак иши эканлигини, юксак интернационал бурчи эканлигини яна бир марта яққол кўрсатмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар томонидан Вьетнамга тобора кўпроқ берилаётган мададага агрессорлар дуч келаватдилар, деб неча марта лаб уқтириб ўтилган эди. Агрессорларнинг янги авантюра-ларига явабдан бутун дунёда қаҳрамон Вьетнамни қувват-лаш фронти татин ҳам кенгайтирилаверди, жасдон тинчлик кенгашининг Вьетнамга ёлдам кўрсатиш ҳаракатини кенгайтириш тўғрисидаги яқинда қилган қарорини ҳамма жойда қўлаб-қувватлашни ҳам зарур.

В. ХАРЬКОВ.
ТАСС овозчиси.

ЖАҲОН ҒАЗАБЛАНМОҚДА

ЕР ҚУРРАСИДАГИ КИШИЛАР АМЕРИКА АГРЕССОРЛАРИНИНГ ВЬЕТНАМДАГИ ЯНГИ ВАҲШИНА ХАРАКАТЛАРИНИ — ХАНОЙ БИЛАН ХАНОЙ ТЕВАРАГИДАГИ ЖОЙЛАР БОМБАРДИМОН ҚИЛИНГАННИ ЭШИТИБ, ДАРҒАЗАБ БЎЛМОҚДАЛАР.

ПРАГА

Мамлакат миллат мажлиси сессиясининг депутати А. Р. АҚШнинг Вьетнамдаги агрес-

сия сиёсатини ва, жумладан, америка бомбардирмончи самолётларининг ВДРдаги тинч шаҳар ва қишлоқлар устига қиладиган ваҳишона ҳужумларини қатъий қораловчи баёнотни яқинда билан маъқулладилар. Баёнотда таъкидлаб айтиладик, чехословак халқи Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши, Вьетнамда тинчликни тиниш учун олиб бораётган адолатли кураши билан батамом бирдамдир.

СОБИЯ

Болгария қасаба соювлари марказий совети баёноти эълон қилиб, унда АҚШнинг янги авантюрасини мамлакатнинг илҳос ва қизматчилари номидан қоралади ва Америка империалистларининг Вьетнам Демократик Республикасининг қарши қиладиган иттиҳодларни ишлари да дарҳол чек қўйишни талаб қилди.

ЖАЗОИР

«Алмуҳид» газетаси аме-

рикаликлар Жанубий Вьетнамда мағлубиятга учраганликларини учун ўч олаётганликларини айтиб, сурушни кенгайтиришдаги бу янги босқич Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг илҳосиз аҳолини зарарча ўзгартириши йўқи, деб эди. «Ватанпарварлар, деб давом қилади газетда, ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиб, кўн-гирчоқ қўшинларини ва агрессорларни оғир мағлубиятга учратмоқдалар».

(ТУРИСТ ЕН
ДАФТАРИДАН)

ЯМАН ТААССУРОТЛАРИ

Врач ва ёзувчи Хабибулла Қодирий яқинда бир гуруҳга совет туристлари билан Шарқи Африка мамлакатларига саяҳат қилиб, БАР, Занзибар, Кения, Танзания ва шу билан бир қаторда Яман, Ливан, Греция, Туркия мамлакатларида бўлиб қайтди. Қуйида Яман таассуротлари босилди.

Декабрнинг бошлари... Эрта тонда Яман мамлакатини киритган жойлашган Ходейде портига келдик. Ходейде порти 5—6 йил муқаддам Совет ҳукуматининг ёрдамида янгитдан қурилган, катта кемаларни бевосита қабул қила олади. Бизни кўлаб порт ишчилари чапаклар чалиб қарши олишди.

Ходейде порти шаҳардан 5—6 километр йироқда: дароҳнинг, гўёқсиз ерда жойлашган. Ўнда турар жой, магазин, ошхона, ресторан лётан парса йўқ. Фақат илҳос биноси, бир неча мол оморлари, юк ортиш ва тушириш қурилмалари бор, холос.

Яман халқи умуман миллий йилинган. Устлариди узун қўйлак еки авра камзул, саллали бўйинга тушириб, баъзан томоқ аралаш ўрашади, оёқларида ботинка ёки чорикча ўхшаб пойфазал, беллари эса қилин ханжар... Ханжарларнинг ун ёй қаби эгилган, дўшда тобланади. Уни қорин устига тик тақиб, дастаси устига баъзан рўмолча ёниб юрадилар. Айтишларича, улар ханжарини қечкигига ишонадиган, уни бирорнинг қўлига бериб қўйиш номардлик бўлар эмиш... Аммо, ўзларини жуда яқин тутиб, ана шу азиз ханжарларини бизнинг қўлга нотиб беришди...

Махсус автобусга ўтириб шаҳар томонига жўнайдик... Яман Арабистон ярим оролининг гарби-жанубига жойлашган. Майдон 195 миң квадрат километр. Аҳолиси 3,5 миллион, Асо-сий халқи араблар, қолгани форс, ҳинд, сомалилар. Пойтахти Сана шаҳри. Ундан тақриб 100 километр, Моқко, Лунайн, Йоб, Таиза деган кичик-кичик шаҳарлари ҳам бор. Тоғли мамлакат, фақат деңгиз бўйларини текислик. Ўсимликлар асосан тоқ қисмида бўлиб кофе, хина, кўн бўёқ, ихроис, акас, юлғин дарахтлари, меваларидан эса, узум, хурмо, анжир ўсади. Яман қолоқ деҳқончилик — қорачилик мамлакат. Дон ўсимликларидан бугдой, арпа, ғўхори ҳамда тамаки, пахта экилди. Саноатдан фақат Санада бир тўқимачилик фабрикаси ва электрстанция бор.

Темжир йўл, трамвай, троллейбус йўқ. Ходейде билан Сана ўртасида биргина автомобиль йўли бор. Қолган ҳаммаси от, туя, эшакларда юриладиган қаровон йўллари.

Яман VI асргача мустақил давлат бўлиб келган. Кейин то XIX асрнинг бошларигача хабашлар, форслар, араб халифалиги, Миср ва турклар тасарруфиди бўлган. У фақат 1911 йилдагина ўз мустақиллигига эришди. Лекин шунда ҳам дон Англия, Франция, Америка давлатларининг таъсириди бўлиб келган, 1962 йили Яман халқи қирол (имом) Яхья Аҳмаднинг тахтдан ағдариб давлат идорасини ўз қўлига олди.

Яман аҳолисининг тўқсон беш фолизи саводсиз. Бир неча евро-полаштирилган мактабларини ҳисобга олганда ўқишлари асосан эски усулда.

Яман мамлакатини совет давлати билан дўстона муносабатда. Ўз-ўзи маданий-иқтисодий ёрдам иш-

лари яхши йўлга қўйилган. Дашт-лар ерларин кезиб бораётганда, шаҳарнинг бошланчи қисмида янги-гилги қурилган ва қурилаётган жуда кўп бир қаватли ишонам би-нолар ёнида тўхтаб ўтдик. Бу би-нолар Совет мутахассислари ер-дамида қуриляпти. Шу жойда биз бирнеча рус, ўзбек, озарбай-жон ватандошларимизни кўрдик, сўзлашдик.

— Зерикмадингизми? Ватанга қайтмайсизми? — деб кўнб сў-радик, воронезлик Татьяна Нико-лаевна исмли бир аёлдан.

— Эрим Яман болалари учун мактаб қуриб бераётди, биттач қайтмади, — деди у.

Ходейде шаҳри ярим орол каби қирғоқнинг ўзгичасига жойлаш-ган. Тинмай ҳайқириб қирғоққа урилиб турган деңгиз тўқиллари шаҳар ўртасидан бемалоқ кўри-ниб, эшитилиб, туради. Шаҳар қирғоқнинг жуда кўна, қирғиқни-да кўриб битрилган бирнеча қўл-каватли биноларини эътиборга ол-маганда, ҳаммаёқда бир қаватли, тартибсиз, бир-бирига ўхшос, шарқ услубиди уйлар. Қўчалар қингир-қингир, шаҳарда салқин ва чирой берувчи қўналма дарахтлар йўқ ҳисоб.

Яманда кун иссиқ, куз-қиш, бўлмади; шаҳар эса, оғир сув-сиз, шу босдан унда сув таъин-сиз сезилиб туради. Қўча айла-наримиз, елларини оёқимизга қўй-иб катта-катта банналарида сув олиб кетаётган ёки боқча ортган аравадарда аллақердан сув та-ъин нелаётган ишчиларини тез-тез учратдик.

Шаҳарда музей, хибон, ҳайво-нот бери кўрмадик. Бирдан-бир диққатга сазовор тарихий ёдгор-лик қирол Яхья Аҳмад саройи. Бу сарой жуда содда қурилган; ҳовли ўртасида бир фонтан ҳову-за ва уч-тўрт тул ён дарахт бор, хо-лос. Биз бунда шох қўричалари-да ўтириб анча дам олдик, сурат-ларга тушдик. «Қоқо-қоқо» иччи-ликларини (лимонада ўхшаш) би-лан меҳмон этишди бизни.

Шаҳарда бирдан-бир европа-лаштирилган кўчалар мактабиди бўлди. Бу мактаб биноси махсус қурилган. Чамаси у бирон бой-нинг ёки амалдорнинг жойи бўл-ган. Мактабнинг биринчи қавати омборхонага ўхшайди, иккинчиси

олин узун равош, хона-хона синф-лар. Ҳар бир синфда парта, дос-ка, Доскада бўр билан ёзилган арача харфлар... Бу мактабда ўқиш учинчи синфгача бўлиб, фа-қат қиз болаларгина тахсил кўра-р экан.

Шуни ҳам айтдик, кўчаларда аёллар қамдан-қам кўринадик. Битта-йримта кўринганлари ҳам паранкига ўхшаб узун қора чо-дир ёпишиб, чочбанд тугаб юра-дилар... Бундан, халқ Яман хоти-н-қизларининг жуда кўнчилиги ич-қарида тутқинда яшаш маълум бўлди, юқори синфларда қизлар қамдан-қам ўқишнинг босни ҳам шунда. Мактаб ўқитувчилари ну-қад аёллардан; аниги биргина эр-как ўқитувчи (чамаси мактаб му-дари) кўринадик.

Биз синфга киришимиз ҳаммо-но болалар ўқиларидан туриб бо-сам бердиклар... Парталарга ў-тириб, улар билан сўзлашдик. Мен бирнеча қизларнинг исмларини сўрадик: Осей, Ғания, Санама, Хурра елкасига қизил яримой су-ратли кичкина оқ сумка осиб, қў-лига қизил лента боғлаб олган... Мен ундан.

— Сен ўқиб ким бўлмоқчисан, деб сўрадик.

— Доктор...

Мактабнинг махсус ҳамшираси ҳам бор экан. Ундан исминин су-раган эдим, у қўлидаги дафтарча-га «Марияна Хагра» деб ўз исми-ни русча ёзиб кўрсатди. Чамаси у рус тилини ўрганибди.

Биз болалар билан расмга ту-шдик, сўнг болаларини томоша қи-лдик, деңгизда чўмилдик. Порти-кайтиб, теллохонимизга кўтари-ларканман, Абубакр исмли бир яманлик ёш йигит мени тўхтади, рус тилида қаерданлигини сўра-дик. Тошкентданлигимни билди-б, ўзининг Тошкентда ўқиганлиги, ҳозирда эса, у ерда уқаси ўқиб турганлигини айтди ва менга хат тузтади, уқасига элтиб беришни-ни илтимос этди. Мен қабул қи-лдим...

Шу кунни кечкурун Ходейде би-лан хайрлашиб, БАР мамлакат-ига жўнадик. Бизни бир неча юзлаб аманликлар кузатиб қол-дилар. Теллохонимиз қирғоқдан ан-ча йироқташиб кетса ҳамини, улар-нинг қўлларини ҳамон осмонда чай-қалиб турарди...

Х. ҚОДИРИЙ.

САЙГОН. Жанубий Вьетнамда ҳуқуқон харбий ҳунтага қарши аҳолининг норозилик ҳаракатлари кўп сайин кучайиб бориюкда. Сайгон кўчаларида буддист намоинишчилар билан полиция ўртаси-да қаттиқгина тўқнашулар бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар бир не-ча америка юк машиналарини ёндириб юбордилар.

Суратда: намоинишчилар америка юк машинасини ағдариб ташла-моқдалар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.30 — Болалар учун фильмлар, 12.00 — Концерт (болалар учун), 12.30 — Кибаль-чиш бола ҳақида эртан (бадий фильм).

14.00 дан — Москва кўрсатади (тақриб тарихида).

Тошкент кўрсатади

Рус тилида: 17.00 — Эсн аз Петру-шина ҳақида эртан (болалар учун), 17.30 — СССР халқлари эстрадаси, 18.30 — Телевизион ян-гилликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 — Олим бўлсанг—олам сенини («Ешлук» студияси), 19.45 — Телевизион ян-гилликлар, 20.00 — Эртан куйлари, 20.30 — Усмои Носир, Меҳрим (адабий-музыкали эшитириш).

21.30 дан — Москва кўрсатади (тақриб тарихида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Кларнетлар садоси — «ЎЗБЕ-КИНО» (қундуз ва кечурун).
Мартаба — «МОСКВА», НАВО-ИИ номли (қундуз ва кечурун).
Росалия мактублари — «КОМ-СОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (қундуз ва кечурун).

Том тоғининг қулбаси — САНЪ-АТ САРОЙИ (қундуз ва кечурун).

Севги ва лимандар — «МОСКВА» (қундуз соат 2 ва кеч 6 да).

«Тобого» йўлини ўзгартади — НАВОИИ номли (эрталаб соат 10 да).

ЭЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

Париж сирлари — «ФЕСТИ-ВАЛЬ».

Уч мушкетёр — КАФАНОВ ном-ли.

Оила тумори — «ВАТАН».

Вена қизлари — «УДАРИК».

«Тобого» йўлини ўзгартади — НАВОИИ номли.

Севги ва лимандар — ПУШКИН номли.

ПОЛИГРАФИЧЛАР

9-ШАҲАР ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти: лингвистика-лар, набоириччилик, печат-никлар, муқовачилар таъри-лайди.

Билим юртига 8, 10, 11-синф ҳажмида маълумотли, 15-18 ёшдаги йигит ва қиз-лар қабул қилинади.

Билим юртига 8-синф ҳаж-мидаги маълумот билан ки-рувчилар 3 йил ўқиб, урта маълумот ҳақида аттестат ва билим юртига таъмола-ганлик ҳақида аттестат ола-дилар.

10—11-синф ҳажмидаги маълумот билан кирувчилар оир йил ўқийди.

Билим юртидаги ўқиб да-ври узлуқсиз ишлаб чиқариш стажига қўйилади.

Ўқувчилар кунига 3 мар-та бекуд оқат ва кийим би-лан таъминланади.

Билим юрти ётоқ билан таъмин қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон ку-часи, 21-й, телефон 7-10-56, 7-10-33 (7, 9, 10-троллейбус 3, 6, 14, 23, 24, 27,